



АГРОКЛАСТЕРЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Қурбонов Санъатжон Салим Ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратураси 2-курс тингловчиси

Аннотация: ушбу мақолада агрокластер тушунчаси, агрокластерларни пайдо бўлиши юзасидан назариялар, ривожланиш босқичлари, бошқа агрокор-хоналар билан фарқли жиҳатлари, агрокластерларга оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, агрокластерлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаш-тиришга оид таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: агрокластер, қўшилган қиймат занжири, инновацион технологиялар, ширкат хўжалиги, қишлоқ хўжалиги кооперативи, уч томонлама битим, аукцион, ссуда, субсидия, кластер турлари.

Аннотация: В статье рассматриваются концепция агрокластера, теории возникновения агрокластеров, этапы их развития, отличия от других агрокорпораций, содержание и сущность законодательных актов, касающихся агроклас-теров, а также предложения по совершенствованию законода-тельных актов, касающихся агрокластеров.

Ключевые слова: агрокластер, цепочка добавленной стоимости, инновационные технологии, корпоративное хозяйство, сельскохозяйственный кооператив, трехсторонний договор, аукцион, ссуда, субсидия, виды кластеров.

Abstract: This article discusses the concept of agroclusters, theories on the emergence of agro-clusters, stages of their development, differences from other agroenterprises, the content and essence of legislation related to agro-clusters, and proposals for improving the legal framework concerning agroclusters.

Keywords: agrocluster, value-added chain, innovative technologies, corporate farming, agricultural cooperative, triangular agreement, auction, loan, subsidy, types of clusters

Жаҳонда экологик муаммоларнинг тобора авж олиб бориши шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш жараёнларини кластеризациялаш орқали бошқарув амалиёти такомиллаштирилиб, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтижларини самарали қондиришга қаратилган дастурларни амалга оширишга устуворлик қаратилмоқда.

Таҳлилларга кўра, агрокластерлар қишлоқ хўжалигида кенг қўлланми инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига соҳани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш имконини бермоқда.

Хусусан, БМТнинг Озиқ - овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ФАО тадқиқотларига кўра, “ер шаърида 820 млн.дан ортиқ киши тўйиб овқатланмасликдан қийналади ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 2 млрд. кишига етиши мумкин. Дунё аҳолисининг ҳар учтадан биттаси тўлақонли рацион асосида овқатлана олмайди ва 5 ёшгача болалар ўлимининг 45 фоизи тўйиб овқатланмаслик натижасида юз беради ва ҳар йили 3,1 млн. бола шу сабабли оламдан ўтиши” қайд этилган.¹

Сўнгги йилларда мамлакатимизда агрокластерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида тутган ўрни мустаҳкамланиб бормоқда. Агрокластерлар келиб чиқиш тарихига тўхталганда, кластер тушунчасига таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Кластер тушунчасига ягона тариф мавжуд эмас, унга кўплаб таърифлар келтирилган. Жумладан, кластер (инглизча: cluster - тўпланиш, гулчамбар, рой) бу бир нечта ўхшаш элементларнинг бирлашмаси бўлиб, улар маълум бир хоссаларга эга бўлган мустақил бирлик сифатида қаралиши мумкинлиги қайд этилган².

Ёки, бошқа иқтисод фанлари бўйича адабиётларда иқтисодий кластер деганда бу маълум бир ҳудудда жойлашган ўзаро боғлиқ ташкилотлар (компаниялар, корпорациялар, университетлар, банклар ва бошқалар)

¹ <http://www.fao.org/sustainable-development-goals> маълумотлари асосида

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>

гурухига айтилган³. Кластер назарияси асосан хорижий мамлакатлар олимлари асарларида кўпроқ учрайди.

Хусусан, дастлаб XIX асрда немис иқтисодчиси Иоган Генрих фон Тюнен ва унинг издошлари В.Лаунхард ҳамда А.Веберлар томонидан кластер назарияси илгари сурилган⁴. А.Маршалл ўзининг “Иқтисодиёт фани тамойиллари” (1890-1891 йй.) асарида тадқиқот объекти сифатида шаҳар агломерацияси ва саноат ҳудудларини танлаб, ўтказган тадқиқотларида самарадорлик ва ишлаб чиқариш географик локализацияси ўзаро боғлиқлигини таъкидлаган⁵. Б.Лундвал ва Б.Ёнсонлар эса “кластер назарияси билан боғлиқ ривожланиш блоклари концепциясини таклиф этган ҳамда соҳа ёки ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари, бутун мамлакат аҳолисини узлуксиз ўқитиш жараёни миллий иқтисодий юксалиш ва рақобатбардошлик манбаи эканлигини таъкидлаганлар⁶.

Кластер назарияси эволюциясидан унинг икки фундаментал тавсифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Жумладан, кластер ривожланиш назарияси асосчиси М.Портер фикрига кўра⁷, битта тармоқдаги халқаро миқёсда энг рақобатбардош фирмалар турли ривожланган давлатлар бўйича тизимсиз ёйилган эмас, балки битта мамлакат ва баъзан ҳатто бир хил ҳудудда тўпланиш хусусиятга эга бўлган тизимни кластер деб номлаган.

Назаримизда, юқоридаги олимлар томонидан кластерларга таъриф беришда уларнинг айрим жиҳатлари қамраб олинган бўлсада, бироқ ушбу тушунча тўлиқ очиқ берилмаган.

³ Н.Садриддинова. Тўқимачилик корхоналари иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда кластерлаш ўрни. Fan va innovatsiya Ilmiy-amaliy konferensiyasi Academy.uz. 28 б

⁴ <https://journals.indexcopernicus.com/api/file/viewByFileId/1189052>

⁵ https://uz.wikipedia.org/wiki/Marshall_Alfred

⁶ Қишлоқ хужалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истикболли йўналишлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2019 йил 24 май: - Бухоро : “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona нашриёти, 2019, 10 б.

⁷ Портер М. Конкуренция. Перевод с англ. – М., Издательский дом «Вильямс», 2000, - 4 с

Мисол учун, А.Маршалл кластерларга таъриф беришда фақатгина ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш (локализация) билан боғлаган бўлса, Б.Лундвал ва Б.Ёнсонлар ҳудудий ишлаб чиқарувчи субъект сифатида, М.Портер эса рақобатбардош корхоналар тизимини таърифлайди. Ҳар тўртта тадқиқотчи олимлар кластер корхоналари алоҳида қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчи ва қайта ишловчи субъект эканлиги, ҳамда бир пайтнинг ўзида ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноат ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини қамраб олганлигини эътибордан четда қолдиришган. Юқоридагиларга кўра, қишлоқ хўжалиги кластерларига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Фикримизча, кластер бу бир ёки бир нечта ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва (ёки) шартнома асосида сотиб олишдан уни, шу жумладан бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик асосида қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш тизимига эга бўлган юридик шахсга айтиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш бўйича 3 та йўналишда тадқиқотлар олиб боришган: **Биринчи** йўналишда, агрокластерларнинг минтақалар ёки мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига таъсирини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги кластерларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши, янги иш ўринларини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни белгиловчи бошқа омиллар ўртасидаги боғлиқлиги ўрганилган. Ушбу йўналишда Ш.Ш. Файзиева⁸, А.И. Козко⁹, Л.М. Лужина, А.Ю. Попов, Е.Е. Можаяев¹⁰, А.Е. Горкин, А.Н. Идрисов, И.В. Василева, А.В. Кудинова, С.С. Румянцев¹¹

⁸ Файзиева Ш. Ш. Экономический эффект сотрудничества агрокластеров и производителей продукции в регионе // Экономика и социум. 2023. № 12-1 (115). С. 1452–1457. EDN JKTMPW.

⁹ Козко А. И., Лужина Л. М., Попов А. Ю., Чирский В. Г. Об идеальной экономической ситуации – росте капитала и функции потребления в некоторых моделях экономического роста // Чебышевский сборник. 2023. Т. 24. № 2 (88). С. 256–265. DOI 10.22405/2226-8383-2023-24-2-256-265. EDN RAKSDE.

¹⁰ Можаяев Е. Е., Горкин А. В., Идрисов А. Н., Васильева И. В. К вопросу о формировании организационно-экономического механизма обеспечения качества экономического роста в сельском хозяйстве // Вестник Екатеринбургского института. 2022. № 1 (57). С. 74–86. EDN MUCMUF

¹¹ Кудинова А. В., Румянцев С. С. Формирование агрокластеров как перспективный инструмент развития экопоселений // Теория и практика мировой науки. 2023. № 11. С. 32–34. EDN XYBFIZ.

ва бошқалар тадқиқот ишларини амалга оширган. **Иккинчи** йўналишда агрокластерларда инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалиги саноатини ташкил етиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари, биотех-нология, рақамли технологиялар ва бошқалар бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқот натижалари инновацион техноло-гияларнинг қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга таъсирини кўрсатмоқда. Бу соҳада Н.В. Ягодина¹², О.В. Угурчиева¹³, А.А. Албогачиева, М.С. Оборина¹⁴, М.В. Аликаева, З.Х. Шогенцукова, А.Н. Шогенцукова, В.С. Шкарина¹⁵, М.Ц. Ян илмий тадқиқотлар ўтказишган. **Учинчи** йўналишда агрокластерларда экологик барқарорлик, ижтимоий жавобгарлик, иқтисодий барқарорлик ва бошқалар каби агрокластерларнинг барқарор ривожланиши масалаларини ўрганишга қаратилган. Ушбу ишларнинг мақсади агрокластерларни барқарор ривожлантириш имкониятлари ва муаммоларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу йўналишда Ф.Р. Галимова¹⁶, Н.С. Дехқонова, Ш. Мадиев, А.А. Назарова¹⁷, В.С. Козқрева,

¹² Ягодина Н. В. Агрокластеры как инструмент инновационного развития сельского хозяйства и перерабатывающей отрасли // Актуальные вопросы современной экономики. 2022. № 11. С. 521–526. EDN MUIYQQ.

¹³ Угурчиев О. Б., Албогачиева А. А. Создание и развитие агрокластеров в регионе // Управленческий учет. 2022. № 2-2. С. 371–376. DOI 10.25806/uu2-22022371-376. EDN HVCMUY.

¹⁴ Оборин М. С., Аликаева М. В., Шогенцукова З. Х., Шогенцуков А. Х. Система управления агрокластерами в условиях цифровизации // АПК: экономика, управление. 2022. № 9. С. 12–21. DOI 10.33305/229-12. EDN MGDLOB.

¹⁵ Шкарина В. С., Янь М. Ц. Кластеризация как инновационная технология развития экономических систем // Уральский научный вестник. 2023. Т. 6. № 4. С. 249–254. EDN NBFFRF.

¹⁶ Галимова Ф.Р., Дехканова Н.С., Мадиев Ш. Зарубежный опыт управления агрокластерами // Экономика и социум. 2023. № 11-1 (114). С. 668–674. EDN ROVVKА.

¹⁷ Назарова А. А., Козырева В. С., Кулева А. О., Чень-Ю А. В. Система агрокластеров на Дальнем Востоке // Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема. 2022. № 3 (48). С. 74–79. DOI 10.24412/2227-1384-2022-348-74-79. EDN FLCZKY.

А.О. Кулева, А.В. Чен-Ю, Т.Н.Беков¹⁸, Р.Н. Галикеев¹⁹ илмий изланишлар олиб боришган.

Назаримизда юқоридаги олимлар кластерларнинг иқтисодий имкониятлари ва уларнинг ривожланиш босқичлари юзасидан илмий изланишлар олиб боришган, кластерларнинг ташкил этиш ҳуқуқий тарафлари татқиқ этилмаган. Зеро, қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолияти ҳуқуқий фан учун янги объектдир, шунинг учун уларни таҳлил қилиш анча тарқоқ ҳолга келган ва одатда агроинновацион муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг кенгрок мавзуси доирасида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасида кластерларга оид муносабатларни ҳуқуқий томони биронта олим томонидан яхлит тарзда тадқиқ этилмаган бўлса, унинг айрим иқтисодий томонлари иқтисодчи олимлар М.Портер²⁰, М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл, М.Лоренцен, А.Маршалл, П.Бекатин, М.Сторпер, Б.О.Лундваль, Б.Йонсон, Б.Асхайм, А.Изаксон, ж. Даннинг, К.Бримэн, Шмит, Дж. Хамфри, Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталева, М.Қ.Пардаев, Ч.Муродов, Т.Х.Фармонов²¹ тадқиқотларида ёритиб ўтилган.

Агрокластерлар фаолиятини айрим тадқиқотчилар ширкат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативи билан бир хил функцияни бажариши ҳақида илмий қарашларни илгари суришган. Бироқ, назаримизда ушбу тадқиқотчилар фикри билан қўшилиб бўлмайди. Ҳар икки субъект ҳам қишлоқ хўжалигида буюртмачи вазифасини бажарган бўлсада, улар орасида жиддий тафовутлар борки, уларни тадқиқ этмасдан туриб кластерлар моҳиятини очиб бўлмайди.

Хусусан: 1. Ширкат хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолар ҳамда пайчилар улушига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонаси бўлса,

¹⁸ Беков Т. Н. Агрокластеры, как эффективная форма по обеспечению продовольственной безопасности страны // Вестник Кыргызстана. 2022. № 2-2. С. 96–106. EDN CPCBQS.

¹⁹ Галикеев Р. Н. Межмуниципальное и межрегиональное сотрудничество при формировании территориальных агрокластеров // Экономика и бизнес: теория и практика. 2023. № 9 (103). С. 42–45. DOI 10.24412/2411-0450-2023-9-42-45. EDN DAFXIQ.

²⁰ Портер М. Конкуренция. Перевод с англ. – М., Издательский дом «Вильямс», 2000, - 4 с

²¹ Очилов И. Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 10 б/

агрокластерлар ягона таъсисчи томонидан ҳам тузилиши мумкин; 2. Ширкат хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативларида меҳнат ва ишлаб чиқариш асосан пудрат ва контрактация шартномалари асосида ташкил қилинган бўлса, кластер корхоналарида фьючерс, форвард ва спот битимлари асосида ташкил қилинади; 3. Ширкат хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларнинг таъсис йиғилиши орқали ташкил этилса, кластер корхоналари вилоят ҳокимининг қарори ва уч томонлама битим асосида ташкил қилинади; 4. Ширкат хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативида ишлаб чиқариш бригадалар ва пудратчилар меҳнатига асосланган бўлса, кластер корхоналари фермер хўжаликлари меҳнати асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш ҳисобига шаклланади; 5. Ширкат хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари асосан маҳсулотни бирламчи етиштиришга асосланган бўлса, кластер корхоналари етиштиришдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни қамраб олади;

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кластер корхоналари фаолияти кўпроқ аграр соҳада манфаатли битимлар асосида рағбатлантириш механизмлари ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ихтисослашган десак муболаға бўлмайди. Жумладан, 2024 йилда пахта етиштирувчилар томонидан етиштирилган маҳсулотнинг 100 фоизи биржа савдолари²² орқали кластер корхоналари томонидан харид қилиниши ушбу корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги драйвер бўғинларидан бири эканлигидан яққол далолатдир.

Ваҳоланки, Ўзбекистон собиқ СССР даврида асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган аграр давлатга айлантирилиб, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаб, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Оқибатда, нафақат қишлоқ хўжалиги, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам етиштиришдан то

²² <https://uzex.uz/Trade/OffersSum>

тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган бир бутун тизим яратилмаган. Худди шундай, 2016-2017 йилларга қадар кластер тизими жорий этиш кизиқиш билдирилмаганлиги оқибатида бугунги кунга қадар йилларга қадар миллий қонунчилигимизга ҳам кластер атамаси деярли янги сўзлигича қолган. Яъни миллий қонунчилигимизда кластер атамаси аниқ таъриф берилмаган, қандай субъектларни кластер деб эътироф этилиши, тадбиркорлик субъектларининг қандай шаклларида ташкил этилиши аниқ белгилаб берилмаган.

Ваҳоланки, кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари енгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқат ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда.²³ Кластерлар сони Буюк Британияда 168 та, Голландияда 20 та, Германияда 32 та, АҚШда 380 та, Данияда 34 та, Францияда 96 та, Италияда 206 та, Финляндияда 9 та, Ҳиндистонда 106 тани ташкил этади. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган. Италияда саноат кластерлари ҳиссасига иш билан банд аҳолининг 43 фоиз, миллий экспорт ҳажмининг 30 фоиздан кўпроғи тўғри келмоқда.²⁴

Шу боис, сўнгги йилларда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан 10 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу Фармон ва Қарорлар билан кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида бирлашмаларнинг турли шакллари қўллаб-қувватлаш (кооперативлар, кластерлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари), мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини

²³ Qishloq xo'jaligida ixtisoslashgan klasterlarni shakllantirish: tajribalar, natijalar va innovatsion yondashuvlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2021 yil 30 noyabr: - Buxoro : "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2021.-242 b.

²⁴ К. Мирзаев Агрохизматлар кластерини ривожлантиришнинг инновацион фаоллиги ва мутаносиблигини таъминлашнинг услубий жиҳатлари. Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали 1-сон, 2021, 136-139 б

етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш, кластер усули жорий этиш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига белгиланган имтиёзлар кооперациялар учун ҳам татбиқ этилиши, кооперацияларга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкил этилмаган ҳудудлардаги пахта тозалаш корхоналари ихтиёрий равишда аъзо бўлиши, буғдой ҳамда мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дон учун маккажўхори, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш харажатларини кредитлаш тартиби, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига ажратилган пахта майдонларида сифатли уруғлик пахта хом ашёси етиштириш ва молия-лаштириш тартиби, мева-сабзавот кластерларини кўшимча молиявий кўллаб-қувватлаш, пахта-тўқима-чилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ҳудудида жойлашган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, пахта хом ашёсини қайта ишлаш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар интеграциялашувини янада кенгайтириш белгиланган.

Фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 декабрдаги 733-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта - тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган, холос.

Мазкур Низомнинг 5-бандида пахта-тўқимачилик кластери фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазири билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қарорлари билан ташкил этилиши белгиланган. Бироқ, ушбу бандда белгиланган талаблар айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига зид эканлигини кўриш мумкин.

Хусусан, янги тахрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан “бир дарча” тамойили бўйича ва қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки унга қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмаслиги белгиланган.²⁵

Назаримизда, агрокластерларни тадбиркорлик субъекти деб ҳисобласак, пахта-тўқимачилик кластери фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан қилишилиши ёки қилишмаслиги ҳам мумкинлиги сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қарорлари билан ташкил этилиши ёки ташкил этилмаслиги ҳам мумкинлиги белгиланиши, юқоридаги Қонун талабларига, яъни агрокластерни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ҳақли эмаслиги белгиланганлиги нормасига зид эканлигини англаш мумкин.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2023 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сонли Фармони билан кластерларни ташкил этиш **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимликлари билан талабгор ўртасида кластер фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида уч томонлама битим тузилиши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кластерлар реестрини юритиши, ушбу реестрни**

²⁵ “Халқ сўзи”, 2012 й., 86 (5506)-сон; ЎР ҚТ, 2012 й., 18-сон, 201-модда

Ўзининг расмий веб-сайтида доимий равишда эълон қилиб бориши белгиланди.²⁶

Бироқ, назаримизда юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кластер орхоналарининг фақатгина муайян йўналишларини тартибга солиб, яхлит ушбу субъектлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги боис, амалиётда кўплаб ҳуқуқий бўшлиқ ва қонунчиликда коллизия (қарама-қаршилиқлар) вужудга келмоқдаки, уларни бартараф этмасдан туриб соҳада илғор тажрибаларни қўллаб бўлмаяпти.

Энг ачинарлиси, аграр соҳадаги бошқа йўналишдаги кластер корхоналари, шу жумладан, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик, шолічилик кластерлари тушунчаси, ҳуқуқий мақоми, ташкил этилиши шакли, ер ва бошқа ресурслари ажратилиши белгиланмасдан қолмоқда. Шунингдек, бугунги кунда агрокластер сифатида фаолият юритаётган корхоналар акциядорлик жамияти, масъулият чекланган жамият, фермер хўжалиги, унитар корхона ва хусусий корхона шаклида ташкил этилган.

Жумладан, 2024 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги реестридан ўтказилган **137** та пахта тўқимачилик корхоналарининг **128** таси масъулияти чекланган жамияти шаклида, **1** таси фермер хўжалиги, **2** таси унитар корхона, **4** таси хусусий корхона ва **1** таси акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган. Оқибатда, барча пахта-тўқимачилик кластер корхоналарига яратилган шарт-шароитлар бир хил даражада эмаслиги, айрим корхоналарнинг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли, агрокластерлар фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларни бирхиллаштириш, асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш, агрокластерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларини белгилаб бериш,

²⁶ ҚММБ, 14.12.2023 й., 06/23/205/0934-сон

юзага келиши мумкин бўлган коллизияларни бартараф этиш бўйича қуйидаги муаммолар ва таклифлар илгари сурилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасида бирор-бир норматив ҳужжатларда агрокластер тушунчасига таъриф берилмаган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда янгидан қабул қилинадиган “Агрокластерлар тўғрисида”ги Қонунига агрокластерлар тушунчаси батафсил ва аниқ ёритилиши лозим.

Шунингдек, агрокластерни ташкил этиш юзасидан “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига зид бўлган тартиб бекор қилиб, ушбу Қонунида белгиланган тартибда (соддалаштирилган) ташкил этилиши тизимини жорий этиш лозим.

2. Янгидан қабул қилинадиган “Агрокластерлар тўғрисида”ги Қонунида агрокластерларга электрон онлайн аукцион савдолари орқали ёки йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан ижарага олиш тартибларини аниқ белгилаб берилиши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа масъул қўмита, агентлик ҳамда идоралар томонидан онлайн равишда аграр соҳадаги кластер корхоналари реестрини юритилиши, шу жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда агрокластерлар таъсисчилари реестрини ташкил этиши, мунтазам равишда ушбу реестрни янгिलाб бориш ва давлат хизматлари марказларига онлайн равишда етказилиши, агрокластер корхона таъсисчилари раҳбарлигида янги корхона ташкил этишни чеклаш лозим.

3. Янгидан қабул қилинадиган “Агрокластерлар тўғрисида”ги Қонунига солиқ юки ҳаддан зиёд ортиқлиги сабабли агрокластерларга ягона солиқ жорий қилиш, субсидия ва ссудалар ноқонуний ажратилиши, бюджетдан ажратилган маблағлар талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайганлиги сабабли, қишлоқ хўжалиги йўналишида ажратиладиган субсидия, ссуда ва бюджет

маблағлари ажратишни тўлиқ бекор қилиш ҳамда банклар томонидан паст фоизли тижорат кредитлари ажратиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

4. Янгидан қабул қилинадиган “Агрокластерлар тўғрисида”ги Қонунига Маҳаллий давлат органлари ва бошқалар томонидан агрокластерлар фаолиятига аралашув ва фаолият юритишига тўсқинлик ҳолатлари кузатилаётганлиги сабабли агрокластер корхоналари фаолиятига аралашувни бутунлай тақиқлаш, Жиноят кодексида мавжуд нормаларни санкциясида белгиланган жазо чораларини янада кучайтириш таклифи ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, агрокластерлар корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ягона қонун қабул қилиниши, келгусида ушбу йўналишни тартибга солиш, агрокластер корхоналарининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузилиш олдини олиш ҳамда прокурорлар томонидан назоратни ўрнатиш йўлида олдинга ташланган сезиларли қадам бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Портер М. Конкуренция. Перевод с англ. – М., Издательский дом «Вильямс», 2000, - 4 с

2. Файзиева Ш. Ш. Экономический эффект сотрудничества агрокластеров и производителей продукции в регионе // Экономика и социум. 2023. № 12-1 (115). С. 1452–1457. EDN JKTMPW.

3. Козко А. И., Лужина Л. М., Попов А. Ю., Чирский В. Г. Об идеальной экономической ситуации – росте капитала и функции потребления в некоторых моделях экономического роста // Чебышевский сборник. 2023. Т. 24. № 2 (88). С. 256–265. DOI 10.22405/2226-8383-2023-24-2-256-265. EDN RAKSDE.

4. Можаяев Е. Е., Горкин А. В., Идрисов А. Н., Васильева И. В. К вопросу о формировании организационно-экономического механизма обеспечения

качества экономического роста в сельском хозяйстве // Вестник Екатеринбургского института. 2022. № 1 (57). С. 74–86. EDN MUCMUF

5. Кудинова А. В., Румянцев С. С. Формирование агрокластеров как перспективный инструмент развития экопоселений // Теория и практика мировой науки. 2023. № 11. С. 32–34. EDN XYBFIZ.

6. Ягодина Н. В. Агрокластеры как инструмент инновационного развития сельского хозяйства и перерабатывающей отрасли // Актуальные вопросы современной экономики. 2022. № 11. С. 521–526. EDN MUIYOQ.

7. Угурчиев О. Б., Албогачиева А. А. Создание и развитие агрокластеров в регионе // Управленческий учет. 2022. № 2-2. С. 371–376. DOI 10.25806/uu2-22022371-376. EDN HVCMUY.

8. Оборин М. С., Аликаева М. В., Шогенцукова З. Х., Шогенцуков А. Х. Система управления агрокластерами в условиях цифровизации // АПК: экономика, управление. 2022. № 9. С. 12–21. DOI 10.33305/229-12. EDN

9. Шкарина В. С., Янь М. Ц. Кластеризация как инновационная технология развития экономических систем // Уральский научный вестник. 2023. Т. 6. № 4. С. 249–254. EDN NBFFRF.

10. Галимова Ф.Р., Дехканова Н.С., Мадиев Ш. Зарубежный опыт управления агрокластерами // Экономика и социум. 2023. № 11-1 (114). С. 668–674. EDN ROVVKA.

11. Назарова А. А., Козырева В. С., Кулева А. О., Чень-Ю А. В. Система агрокластеров на Дальнем Востоке // Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема. 2022. № 3 (48). С. 74–79. DOI 10.24412/2227-1384-2022-348-74-79. EDN FLCZKY.

12. Беков Т. Н. Агрокластеры, как эффективная форма по обеспечению продовольственной безопасности страны // Вестник Кыргызстана. 2022. № 2-2. С. 96–106. EDN CPCBQS.

13. Галикеев Р. Н. Межмуниципальное и межрегиональное сотрудничество при формировании территориальных агрокластеров // Экономика и бизнес: теория и практика. 2023. № 9 (103). С. 42

14. Имомов Н. Кластернинг ҳуқуқий мақоми. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 683-6916

15. Очилов И. Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 10 б/

16. Qishloq xo‘jaligida ixtisoslashgan klasterlarni shakllantirish: tajribalar, natijalar va innovatsion yondashuvlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2021 yil 30 noyabr: - Buxoro : “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2021.-242 b.

17. Мирзаев К. Агрохизматлар кластерини ривожлантиришнинг инновацион фаоллиги ва мутаносиблигини таъминлашнинг услубий жиҳатлари. Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали 1-сон, 2021, 136-139 б

18. “Халқ сўзи”, 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎР ҚТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда

19. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова-сон, 1-модда